

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1083-ҳадис

1083/2416 – حَدِيثُ الْأَشْعَبِ تَقَدَّمَ قَرِيبًا، وَكَرَّرَ فِيهِ أَنَّهُ اخْتَصَمَ هُوَ وَرَجُلٌ مِنْ أَهْلِ

حَضْرَمَوْتٍ، وَفِي هَذِهِ الرَّوَايَةِ قَالَ: إِنَّهُ هُوَ وَيَهُوزْدِيُّ.

1083.2416, 2417. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир мусулмон кишининг молидан бир бўлагини ўзлаштириб олиш учун фожирларча қасам ичса, Аллоҳга У Зот ундан ғазабнок бўлган ҳолда йўлиқади»**, дедилар».

Ашъас айтади: «Аллоҳга қасамки, бу мен ҳақимда бўлган эди. Мен билан бир яҳудий кишининг ўртасида ер бор эди. У мени инкор этди. Мен буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга арз қилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Хужжатинг борми?»** дедилар. Мен: «Йўқ», дедим. Шунда у зот ҳалиги яҳудийга: **«Қасам ич!»** дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, у ҳолда бу қасам ичади-да, молимни олиб кетаверади», дедим. Шунда Аллоҳ таоло: **«Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини озгина баҳога сотадиганлар, - албатта, ана ўшаларга охиратда насиба йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмайди ҳам, назар ҳам солмайди ва уларни покламайди ҳам. Уларга аламли азоб бор»**(ояти)ни нозил қилди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

